

“ЎЗБЕКИСТОН -2030” СТРАТЕГИЯСИ: ЯШИЛ БУХГАЛТЕРИЯ ВА ҲИСОБ СИЁСАТИ

Курбанбаев Журабек Эрувбаевич

Тошкент Кимё Халқаро университети

“Банк иши ва бухгалтерия ҳисоби”

кафедраси доценти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 январдаги “Ўзбекистон-2030” Стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “Яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисидаги” ПФ-16-сон фармони қабул қилинди⁵⁷. Мазкур фармонда устивор вазифалар сифатида табиий ресурсларни тежаш ва улардан оқилона фойдаланиш, экологик барқарорликни таъминлаш, “яшил иқтисодиёт” тамойилларини кенг жорий қилиш, иқтисодиётни иқлим ўзгаришига мослаштиришга қаратилган лойиҳаларни барқарор молиялаштириш, республика энергобалансида қайта тикланувчи энергия улушини ошириш, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик асосида йирик «яшил энергия» станцияларини барпо этиш, ҳудудларда кичик ва микро гидроэлектр станциялари тармоғини кенгайтириш, аҳоли хонадонларида қуёш панелларини ўрнатишни рағбатлантириш ҳамда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада замонавий энерготежамкор технологияларни кенг қўллаш орқали иқтисодиётда «углерод изи»ни камайтириш каби вазифалар белгилаб берилди.

Албатта ушбу устивор вазифалар ижросини таъминлашда бухгалтерия ҳисоби тизими муҳим аҳамият касб этади, Шу боис, амалдаги бухгалтерия ҳисоби негизида янги тушунча ва атамалар кириб келди, жумладан, “яшил иқтисодиёт”, “яшил бухгалтерия ҳисоби”, “экологик ҳисоб ва ҳисобот”, “яшил ҳисоб сиёсати”, “экология аудит” кабиларни келтириб ўтиш мумкин.

Тан олин лозим, бугунги кунда нафақат республикамизда. Балки жаҳонда яшил бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритишга ҳҳар томонлама катта эътибор қаратиб келинмоқда. Демокчимизки, ушбу ҳисоб тури бизнинг амалиётимиз учун янгилик ҳисобланади. Унинг аҳамияти тўғрисида иқтисодчи олимлар томонидан турли фикрлар юритилган, жумладан Ш.Халилов қуйидаги фикрни билдириб ўтади: “Катта эътиборни жалб қилган инновацион ёндашувлардан бири бу яшил бухгалтерия ҳисоби бўлиб, у иқтисодий фаолият билан боғлиқ экологик харажатларни ўз ичига олган анъанавий бухгалтерия тизимини кенгайтиради. Яшил бухгалтерия ҳисоби табиий ресурслар чексиз эмаслигини ва атроф-муҳитнинг таназзулга учраши чуқур иқтисодий оқибатларга олиб келиши

⁵⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 январдаги “Ўзбекистон-2030” Стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “Яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисидаги” ПФ-16-сон фармони. <https://lex.uz/uz/docs/7369703#7371601>

мумкинлигини тан олган ҳолда, мамлакатнинг иқтисодий саломатлигини янада яхлитроқ тушунишга қаратилган”⁵⁸.

Фикримизча яшил бухгалтерия ҳисоби анъанавий ҳисоб усулларига атроф-муҳит ва унинг ресурсларининг қийматини мувофиқлаштирадиган ҳамда экологик харажатларни молиявий натижаларга интеграция қилиш бўйича маҳсус ҳисоб тури бўлиб, нафақат корхоналар, балки, бутун бир мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий соғломлиги ва барқарорлиги ҳақида кенг қамровли ахборотларни шакллантиради. Демак, яшил бухгалтерияни экологик ҳисоб ёки экологик бухгалтерия деб ҳам аташ мумкин. Бу эса, ўз навбатида анъанавий бухгалтерия ҳисоби каби яшил бухгалтерия ҳисобида ҳам ҳисоб сиёсатини шакллантириш заруриятини келтириб чиқаради. Яшил бухгалтерияда оқилона танланган ҳисоб сиёсати, унинг ўз олдида қўйган мақсадларга эришишда муҳим рол ўйнади.

Яшил бухгалтерия ҳисобининг ҳисоб сиёсатини шакллантиришда қуйидаги масалаларга эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз:

биринчидан, атроф-муҳит ресурсларини ўрмон қопламнинг миқдори, сув сифати ва ифлослантирувчи моддалар даражаларини ҳисоблаш;

иккинчидан, дарахтларни кесиш харажатлари ёки тоза ҳавонинг иқтисодий қиймати каби экологик товарлар ва хизматлар харажатлари қийматини аниқлаш;

учинчидан, атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг янада тўлиқ кўринишини таъминлаш учун анъанавий ҳисоб билан яшил ҳисобнинг узвийлигини таъминлаш.

Бизнинг фикримизча, яшил бухгалтерия ҳисобининг афзаликлари қуйидагиларда намоён бўлади, жумладан:

шаффофликни таъминлаш - атроф-муҳитга таъсир қилиш ва ресурслардан фойдаланиш бўйича шаффофлик ва ҳисобдорликни оширади;

самарали қарорларни қабул қилиш - яъни корхоналарга атроф-муҳитга таъсирни ҳисобга олган ҳолда хабардор бўлган қарорлар қабул қилишга ёрдам беради;

барқарорликни таъминлаш - атроф-муҳит бузилишининг иқтисодий харажатларини таъкидлаш орқали узоқ муддатли барқарорликни таъминлайди имкониятини беради;

ресурсларни бошқаришни такомиллаштириш - табиий ресурсларни яхшироқ бошқаришни ва барқарор амалиётларга инвестицияларни рағбатлантиради.

Маълумки, молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларида айнан яшил бухгалтерияни ташкил этиш, унинг ҳисоби, молиявий ҳисоботларда ёртиб бериш, муҳим бўлган ахборотлар ҳақида алоҳида стандартлар мавжуд эмас, шу боис республикамызда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сонли қарори ижросини

⁵⁸ Халилов Ш. “Ўзбекистонда яшил бухгалтерия ҳисоби: зарурат, муаммолар ва имкониятлар”. Scientific Journal of “International Finance & Accounting” Issue 3, June 2024. ISSN: 2181-1016.

таъминлашда⁵⁹ “Яшил бухгалтерия ва ҳисоб сиёсати” номли молиявий ҳисоботнинг миллий стандарти (МХМС) лойиҳасини ишлаб чиқиш зарур дею ҳисоблаймиз. Бу эса, ўз навбатида “Ўзбекистон-2030” Стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “Яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисидаги” Фармон ва “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорнинг ўзаро мувофиқлигини ва уларда белгиланган вазифаларни таъминлашга ҳизмат қилади.

Яшил бухгалтерия ҳисобининг ҳисоб сиёсатини шакллантиришда самарали томонлари билан бирга, унинг камчилик ёки муаммолари ҳам кўзга ташланади, жумладан, баҳолаш масалаларида экологик маҳсулотлар товарлар ва хизматларга қийматни аниқ пулда ифодалашнинг ўзига хос мураккаблиги ва мунозарали бўлиши, маълумотларни қамрови бўйича ишончли ва кенг қамровли атроф-муҳитга оид маълумотларини олишда қийинчиликларга дуч келиши, меъёрлаштириш бўйича яшил бухгалтерия ҳисоби учун меъёрлаштирилган усулларнинг мавжуд эмаслиги, ҳисобда номувофиқлик юзага келади ва бу таққослаш имкониятини бермайди.

Хулоса қилиб таъкидлаш мумкинки, бугунги кунда яшил бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва унинг услубий жиҳатдан такомиллаштиришда муҳим бўлган жиҳатларини қуйидагиларда кўриш мумкин:

- анъанавий бухгалтерия ҳисобидан фарқли равишда, яшил бухгалтерия ҳисоби, жумладан яшил ҳисоб сиёсати молиявий кўрсаткичлардан ташқари, атроф-муҳитга таъсир ва барқарорлик масалаларини ўз ичига олади;

- яшил бухгалтерия корхонанинг бизнес фаолияти билан боғлиқ бўлган, экологик харажатлар ва даромадларни баҳолаш имкониятини беради;

- ушбу ҳисоб тури орқали корхона ресурсларидан фойдаланиш, чиқиндилар, чиқиндиларни қайта ишлаш ва экологик кабиларни атроф-муҳитга бўлган таъсирни ўлчаш мумкин бўлади;

- корхонада самарали ва барқарор бўлган қарорларни қабул қилишни қўллаб-қувватлаш учун муҳим маълумотларга ва келажакка йўналтирилган маълумотларга (бошқарув ҳисоби нуқтаи назардан) эътиборни қаратади;

- Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (IAS IFRS) ва АҚШ БХУТ (USGAAP) каби стандарт ва тамойилларга (қоидаларига) риоя қилишни таъминлайди;

- корхонада атроф-муҳит самарадорлиги ва барқарорликка қаратилган ҳаракатлар ҳақидаги тўлиқ, ишончли ва батафсил бўлган ҳисоботларни тақдим этади.

⁵⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 4611-сонли қарори. 2020 йил 24 феврал. (3-банди) <https://lex.uz/docs/4746047>

- корхонада экологик харажатларни молиявий қарорлар қабул қилишга интеграция қилиш орқали барқарор бизнес амалиётларини рағбатлантириш имкониятини яратади;

- экологик таъсир ва барқарорлик ташаббуслари ҳақида батафсил маълумот берадиган барқарорлик ёки экологик ҳисоботларни ишлаб чиқиш, шунингдек, интеграциялашган ҳисоботларни умумий ишлашнинг тўлиқ кўринишини таъминлаш учун молиявий ва экологик кўрсаткичларни битта ҳисоботда бирлашувига олиб келади.

Демак, яшил бухгалтерия ҳисоби (ҳисоб сиёсати) корхоналар бизнес фаолияти билан боғлиқ экологик харажатлар ва фойдаларни тўлиқ тушунишни таъминлаш орқали самарали бошқарув қарорларини қабул қилишга таъсир қилади. Бу эса корхоналарга кўпроқ маълумотларни ва барқарор бўлган танловларни амалга ошириш, хатарларни самарали бошқариш, рақобатдошликни таъминлаш ва манфаатдор томонларнинг талабларини қондириш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 4611-сонли қарори. 2020 йил 24 феврал. (3-банди) <https://lex.uz/docs/4746047>

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 январдаги “Ўзбекистон-2030” Стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “Яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисидаги” ПФ-16-сон фармони. <https://lex.uz/uz/docs/7369703#7371601>

3. 8-сон Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти. *Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар*. Расмий таржима. 2022 йил.

4. Халилов Ш. “Ўзбекистонда яшил бухгалтерия ҳисоби: зарурат, муаммолар ва имкониятлар”. Scientific Journal of “International Finance & Accounting” Issue 3, June 2024. ISSN: 2181-1016.

НАТИЖАГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН БЮДЖЕТЛАШТИРИШДА РАҚАМЛАШТИРИШДАН ФОЙДАЛАНИШ

Примова Нигора Икром қизи

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Молия ва молиявий технологиялар

кафедраси доценти, PhD.

Аннотация: Иқтисодиёт ва давлат бошқарувининг рақамли трансформацияси шароитида натижага йўналтирилган бюджетлаштириш (НЙБ) бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг асосий воситасига айланмоқда. Бюджетлаштириш жараёнларига рақамли технологияларни жорий этиш нафақат кундалик операцияларни автоматлаштириш, балки қабул қилинаётган қарорларнинг шаффофлиги,